



**ANALYSIS OF THE LEGAL BASIS OF THE ACTIVITY OF
TRANSPORT SECURITY DEPARTMENTS IN THE SYSTEM
OF INTERNAL AFFAIRS BODIES**

Khaitbaev is the son of Elyorbek Zafar

Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan
Academy, researcher

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11241638>

ARTICLE INFO

Received: 16th May 2024

Accepted: 21th May 2024

Online: 22th May 2024

KEYWORDS

*Transport and tourism facilities,
legal status, powers of transport
and tourism security personnel,
law on rapid search activities,
international agreements.*

ABSTRACT

The article deals with the analysis and legal status of the legal bases of the activities of the internal affairs bodies of the transport security units, how their activities are legally regulated in order to perform the transport security activities, the problems and solutions in this regard, as well as the new procedures and mechanisms that are being introduced into the practice of these structures. comments are made.

**ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ТИЗИМИДАГИ ТРАНСПОРТДА
ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ БЎЛИНМАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ
ХУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ТАҲЛИЛИ**

Хайтбаев Элёрбек Зафар ўғли

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги
Академияси, тадқиқотчи

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11241638>

ARTICLE INFO

Received: 16th May 2024

Accepted: 21th May 2024

Online: 22th May 2024

KEYWORDS

*Транспорт ва туризм
объектлари, ҳуқуқий мақом,
транспорт ва туризм
хавфсизлигини таъминлаш
ходимлари ваколатлари,
тезкор-қидирув фаолияти
тўғрисидаги қонун, халқаро
шартномалар.*

ABSTRACT

Мақолада ички ишлар органлари транспортда хавфсизликни таъминлаш бўлинмалари фаолиятининг ҳуқуқий асослари таҳлил ҳамда ҳуқуқий мақоми, транспортда хавфсизликни таъминлаш фаолиятини бажаришлари учун уларнинг фаолияти қандай ҳуқуқий тартибга солинганлиги, бу борадаги муаммолар ва ҳал қилиш йўллари, шунингдек, мазкур таркибий тузилмалар амалиётига жорий этилаётган янги тартиблар ва механизмлар юзасидан фикр-мулоҳазалар юритилган.

Бизга маълумки, республикамызда жиноятчиликка қарши курашиш борасида комплекс чора тадбирлар амалга оширилиши натижасида, мамлакатимизда ҳуқуқ-тартибот органлари томонидан криминоген вазият сезиларли даражада яхшиланган



бўлса-да¹, ўзгалар мулкни талон-торож қилиш билан боғлиқ жиноятлари салмоғи кундан кунга кўпроқ содир этилмоқда. Жамиятда барқарорлик, тинчлик ва осойишталикни қарор топтириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига сўзсиз роя этилишини таъминлаш, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан янада ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини юксалтириш, ҳуқуқий демократик давлат қуриш бўйича амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлардан кўзланган мақсадларга эришишнинг муҳим шарти ҳисобланиб, бу борада фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, жамоат тартибини сақлаш, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикаси бўйича республикада яхлит ҳуқуқий тизим яратилган бўлиб, унда ички ишлар органлари муҳим ўрин эгаллайди. Ўтган йиллар мобайнида (2016-2024 йй ҳозирги кунгача) мобайнида ички ишлар органлари тизимини такомиллаштириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, ички ишлар органларининг темир йўл транспорти, ҳаво йўлларида жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш учун ташкил этилган қўйи бўғинини ривожлантириш, мустаҳкамлашда салмоқли ишлар амалга оширилди².

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Ички ишлар вазирлиги тизимида фаолият кўрсатаётган раҳбар ва ходимлар билан Ички ишлар органлари фаолиятининг тизимида мавжуд муаммо ва камчиликлар, истиқболдаги вазифаларга бағишланган навбатдаги учрашув, видеоселектор йиғилишларида: “Аҳолини тинч ва осойишта ҳаёт кечиришини таъминлашда ички ишлар органлари шундай ишлаши керакки, токи халқ давлатдан рози бўлсин. Лекин айрим жойларда уларнинг фаолияти одамлар эътирозига сабаб бўлмоқда. Айниқса, мол-мулкка жиноий тажовуз каби салбий ҳолатларга тўлиқ чек қўйилмаганлиги, хусусан, мулкий турдаги жиноятларнинг ҳар бештадан биттаси фош этилмаган. Жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг оқибати билан курашиш эмас, балки барвақт олдини олиш, содир этишга имкон берган сабаблари ва омилларни ўз вақтида бартараф этиш муҳим вазифамиз бўлмоғи керак”³ мазмунида билдирилган танқидий фикрлари, ИИВ тизимида Транспорт ва туризм объектларида хавфсизликни таъминлаш департаменти (кейинги ўринларда - Департамент) тезкор ходимларининг, нафақат ушбу ходимлар балки, барча ички ишлар органларида хизмат қилаётган ходимларнинг ишини ҳалол ва адолат билан ташкил этишини талаб этмоқда.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2833-сонли Қарори // <http://www.lex.uz>. (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 18.05.2024).

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги “Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5005-сон Фармони// <https://lex.uz/ru/docs/3159827> (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 17.05.2024)

³ Тартиб-интизом ва масъулиятни кучайтириш, жиноятчиликнинг олдини олиш муҳитини мустаҳкамлаш – ҳуқуқбузарлик профилактикаси самарадорлигининг асосий омилдир // Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2017 йил 15 ноябрь куни Ички ишлар органлари фаолияти, тизимда мавжуд муаммо ва камчиликлар, истиқболдаги вазифаларга бағишланган видеоселектор йиғилишидаги нутқи. // www.uza.uz. (электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 17.05.2024).



Департаментнинг асосий вазифалари қуйидагича белгилаб ўтилган⁴:

- ✓ метрополитен, темир йўл, ҳаво-транспорт ва туризм намоиши объектлари ва инфратузилмаси ҳудудларида (кейинги ўринларда — транспорт ва туризм объектлари) жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш борасидаги фаолиятни мувофиқлаштириш;
- ✓ транспорт ва туризм объектлари ҳудудларида криминоген вазиятни тизимли таҳлил қилиш, йўловчи ва туристларга нисбатан содир этиладиган ҳуқуқбузарликлар сабаблари ва шароитларини аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш юзасидан манзилли чора-тадбирларни амалга ошириш;
- ✓ йўловчиларнинг ҳаракатланиш хавфсизлигини, темир йўл ва ҳаво транспортида ташиладиган товар-моддий бойликларнинг бутлиги ва қўриқланишини самарали таъминлаш;
- ✓ транспорт ва туризм объектларида террористик таҳдидларни, гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп моддалар ва уларнинг прекурсорлари, ўқотар қурол, ўқ-дорилар, портловчи, радиактив, заҳарли, кучли таъсир қилувчи ва заҳарловчи моддаларнинг ноқонуний айланмаси билан боғлиқ ҳолатларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этишни ташкил қилиш;
- ✓ замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда транспорт ва туризм объектлари ва уларга туташ ҳудудларда жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг марказлашган мувофиқлаштирилган бошқарувини амалга ошириш.

Дарҳақиқат ҳар бир давлатнинг жиноятчиликка қарши курашишдаги муҳим йўналишларидан бири, барча турдаги жиноятларни олдини олишдир. Жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида энг муҳим самарали, инсонпарвар тамойил, жиноятчилик профилактикасини таъминлаш ҳисобланади. Шундай экан метрополитен, темир йўл, ҳаво-транспорт ва туризм намоиши объектларида содир этилаётган ўғирликни фож этиш билан бир қаторда ушбу қилмишларни содир этилишига йўл қўймаслик, энг асосий ва муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Департамент тезкор бўлинмалари ходимлари транспорт объектларида содир этиладиган ўғирликни олдини олишнинг ташкилий ва тактик фаолиятини яхшилашда, тезкор ходимларнинг хизматини самарали (фақат соҳасига оид функцияни бажаришини) ташкил этиш, уларнинг моддий ва техник базасини такомиллаштириш билан боғлиқдир. Бунинг учун мазкур жиноятнинг олдини олишга салбий таъсир кўрсатувчи асосий муаммолар (ташкилий, субъектив, объектив ва бошқ.)ни ҳал этиш шарт.

Ушбу муаммоларни ҳал этиш механизмини таҳлил қилиш муҳимдир. Ўзбекистон Республикаси “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонуннинг 4-моддасида назарда тутилган жиноятларнинг олдини олиш вазифасини бажаришда тезкор ходимларга бириктирилган хизмат ҳудудида мақсадли, самарали профилактик тадбирлар ташкил этилиши керак. Бунинг учун ИИОлари ТҚФни идоравий назорат қилувчи ИИОни раҳбари ва унинг биринчи ўринбосари ҳамда ЖҚБ раҳбарлари жиноятни олдини

⁴ “Транспорт ва туризм объектларида жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг самарали тизимини жорий этишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори, 06.03.2019 йилдаги пк-4229-сон



олишда, шу жумладан транспорт объектларида содир этиладиган ўғирликнинг олдини олиш учун қандай чората дбирларни амалга ошириш кераклигини тезкор ходимга аниқ белгилаб бериши ва натижаларини кунлик талаб қилиш лозим. ТҚФни идоравий контролини амалга оширувчи раҳбар тезкор ходимга бириктирилган ҳудудида транспорт воситасидан содир этиладиган ўғирликни барвақт олдини олишда идоравий назорат, ахборот таҳлил иши, профилактик тадбирларнинг ўтказилишини таъминлаши керак.

Ички ишлар органларининг транспортда хавфсизликни таъминлаш бўлинмалари темир йўл ва ҳаво транспортлари объектлари ва ҳудудларида Ўзбекистон Республикасининг “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги қонунининг 2-моддасида белгиланган функция ва вазифаларини амалга оширувчи таркибий тузилмаси ҳисобланади. Транспортда хавфсизликни таъминлаш бўлинмалари мазкур вазифаларни тўлақонли бажариши, уларнинг фаолияти қай даражада ҳуқуқий тартибга солинганлиги билан ҳам боғлиқ. Транспортда хавфсизликни таъминлаш бўлинмаларининг ҳуқуқий мақомини аниқлаш учун, авваламбор, унинг тизими, асосий вазифалари, ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгиловчи ҳамда уларни амалга ошириш бўйича фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ўрганиш талаб қилинади. Транспортда хавфсизликни таъминлашнинг ҳуқуқий асослари деганда темир йўл ва ҳаво транспорти объектларида жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, қонуний манфаатларини, жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкни, конституциявий тузумни ҳимоя қилишда, қонун устуворлиги, шахс, жамият ва давлатнинг хавфсизлигини, шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикасини таъминлашда ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қиладиган халқаро-ҳуқуқий ҳамда миллий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга айтилади.

Демак, транспортда хавфсизликни таъминлаш бўлинмалари фаолиятининг ҳуқуқий асослари деганда қонун ва қонун ости ҳужжатларига асосланган ҳолда темир йўл ва ҳаво транспорти объектларидаги фаолияти соҳасида ижтимоий муносабатларни тартибга соладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тушунилади. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда шуни таъкидлаш жоизки, мазкур бўлинмалар фаолиятининг ҳуқуқий асослари бўлиб хизмат қилувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни юридик кучига кўра: халқаро ҳужжатлар; миллий қонунлар; Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон ва Қарорлари; Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, идоралараро ва Ўзбекистон Республикаси ИИВ идоравий қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ажратиш мумкин. Халқаро ҳуқуқнинг бир қатор, хусусан, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга оид бўлган нормалари барча давлат органлари каби транспортда хавфсизликни таъминлаш бўлинмалари фаолиятининг ҳуқуқий асослари бўлиб хизмат қилади.

Бугунги кунда транспорт объектларида жиноятчиликка қарши курашиш, маълумотлар алмашиш, ўзаро ҳуқуқий ёрдам, шунингдек халқаро ҳамкорлик масалаларини тартибга солиш борасида Ўзбекистон Республикаси ҳукумати бир қанча халқаро шартномаларга қўшилган, жумладан:



- «Халқаро фуқаро авиацияси тўғрисида»ги Конвенция (Ўзбекистон Республикаси учун 1992 йил 12 декабрдан кучга кирди),
- «Ҳаво кемаларининг қонунга хилоф тарзда босиб олинишига қарши курашиш тўғрисида»ги Конвенция (Гаага) (Ўзбекистон Республикаси учун 1993 йил 29 декабрдан кучга кирди),
- «Фуқаро авиациясининг хавфсизлигига қарши қаратилган қонунга хилоф тарздаги хатти-ҳаракатларга қарши курашиш тўғрисида»ги Конвенция (Монреаль) (Ўзбекистон Республикаси учун 1993 йил 29 декабрдан кучга кирди),
- «Халқаро ҳаво транспортида ташишларга доир айрим қоидаларни бирхиллаштириш ҳақида»ги Конвенция (Варшава) (Ўзбекистон Республикаси учун 1995 йил 6 майдан кучга кирди),
- «Ҳаво кемаси бортида содир этиладиган жиноятлар ва баъзи бошқа актлар тўғрисида»ги Конвенция (Токио) (Ўзбекистон Республикаси учун 1995 йил 6 майдан кучга кирди)
- шунингдек, Шанхай ҳамкорлик ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар билан тузилган икки тамонлама битимлар шулар жумласидандир.

Транспортда хавфсизликни таъминлаш бўлинмалари фаолиятини бевосита тартибга солувчи, хусусан, Ўзбекистон Республикасининг «Темир йўл транспорти тўғрисида»ги (1999 йил 15апрель) қонунига алоҳида тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Мазкур қонуннинг темир йўлда ташиш хавфсизлигини таъминлашга қаратилган давлат назорати ва бошқа чораларга бағишланган нормасида ички ишлар, Давлат хавфсизлик хизмати ҳамда Ўзбекистон Республикаси Темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси томонидан уларнинг ваколатлари доирасида амалга оширилиши белгиланган. Ушбу қонуннинг темир йўл транспортида юклар ва объектларни кўриқлашга доир нормасида белгиланганидек, темир йўл транспортининг энг муҳим объектлари ва махсус юкларни кўриқлаш ва кузатиб бориш Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг бўлинмалари ва давлат бошқарув органларининг бошқа ваколатли бўлинмалари томонидан амалга оширилади.

Қонуннинг мақсади: темир йўл транспорти соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш орқали фуқаролар ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза этиш, уларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини, юридик ва жисмоний шахсларнинг мулклари ҳамда атроф-муҳит ҳимоя қилинишини таъминлашдан иборатдир. Қонунда фуқаролар ҳаёти ва соғлиғи муҳофазаси, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари, атроф-муҳит ҳимояси ва темир йўл транспортида ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш бўйича тадбирларнинг устуворлиги ҳамда бу соҳадаги фаолиятнинг тизимлигининг асосий принциплари этиб белгиланганлиги *биринчидан*, темир йўл транспортдан фойдаланиш билан боғлиқ муносабатлар иштирокчилардан юқоридаги қоидаларга риоя этишни талаб қилса, *иккинчидан*, ушбу тизимнинг ўзига хос хусусиятларга эгаллигини кўрсатади. Қонунга мувофиқ, темир йўл транспортдан фойдаланиш хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги давлат бошқаруви Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти



органлари ва махсус ваколатли давлат органлари томонидан амалга оширилади, бу соҳасидаги махсус ваколатли давлат органлари сифатида: Ўзбекистон темир йўллари акционерлик жамияти, темир йўл транспорти корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва давлат хавфсизлик хизматининг ваколатлари бугунги кун талаблари асосида аниқ белгилаб берилган⁵. *Учинчидан*, Ўзбекистон Республикасининг «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги (2016 йил 16 сентябрь) қонунининг 16-моддасида транспортда хавфсизликни таъминлаш бўлинмаларининг мажбуриятлари берилган бўлса, 17-моддасида бу борадаги ҳуқуқлари белгиланган. *Тўртинчидан*, транспортда хавфсизликни таъминлаш хизматлари темир йўл ва ҳаво транспорти объектларида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича фаолиятини, хусусан, умумий, махсус, яқка тартибдаги ва виктимологик профилактикаси чора-тадбирларини қонун ҳужжатларида белгиланган ваколат доирасида Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги (2014 йил 14 май) қонуни талаблари асосида амалга оширади.

Бундан ташқари, транспортда хавфсизликни таъминлаш хизматлари махсус давлат органи сифатида фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлашда Ўзбекистон Республикасининг «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги (2014 йил 5 май), фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлик қилишда «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги (2014 йил 25 сентябрь), ёшлар билан ишлашда «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги (2016 йил 14 сентябрь) ҳамда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашда «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги (2017 йил 11 сентябрь) қонунлари талабларига амал қилиши шарт.

Таъкидлаш жоизки, сўнги йилларда транспортда хавфсизликни таъминлаш хизматлари фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган. Давлат ва жамият бошқаруви, хусусан, ички ишлар органлари тизимини тубдан ислоҳ қилиш ҳамда транспортда хавфсизликни таъминлаш хизматлари фаолиятини такомиллаштиришга оид Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мазмун-моҳиятини ёритишга ҳаракат қиламиз. Биринчидан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги (2017 йил 7 февраль) фармони ички ишлар органлари тизимида тубислоҳотларни амалга ошириш, шу жумладан транспортда хавфсизликни таъминлаш хизматлари тизимини янада такомиллаштириш бўйича асосий талаблар ҳамда йўналишларни белгилаб берди.

Мазкур Фармон билан тасдиқланган «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси»нинг иккинчи устувор йўналиши Жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш, хусусан, жамият ривожланишининг бугунги талабларидан келиб чиққан ҳолда ҳамда ҳуқуқбузарликлар

⁵ Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 15 апрелдаги «Темир йўл транспорти тўғрисида»ги Қонуни ЎРҚ-766-сон



профилактикаси ва жиноятчиликка қарши кураш соҳасидаги мавжуд муаммо ва камчиликларни бартараф этиш, тизим фаолияти самарадорлигини янада ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2017 йил 14 март) қарори қабул қилинди.

Ю.В.Степаненко таъкидлаганидек, “Ички ишлар органлари ходимларининг ҳуқуқий мақомини оптималлаштириш бу - давлат органларининг ҳуқуқий мақомини жадал ўзгариб турувчи ташқи ва ички операцион тизим талабларига мувофиқлаштириш мақсадида уни ўзгартириш, модернизация қилиш, мустаҳкамлаш жараёни тушунилиши керак. атроф-муҳит ва бу билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган янги операцион вазифаларидир⁶. Ички ишлар органларининг ҳуқуқий мақомини оптималлаштириш йўналишларидан бири транспорт ходимлари ва ҳудудий ички ишлар органлари бўлимларининг ваколатларини идоравий “қонун ҳужжатлари”га ўзгартиришлар киритиш орқали аниқроқ белгилашдир.

Шунингдек, ички ишлар органларининг тегишли оператив хизмат кўрсатиш йўналишлари: темир йўл, сув ва ҳаво транспортидаги объектлари турлари бўйича ҳуқуқий мақомни оптималлаштириш йўналишларини белгилаш мантиқан тўғри ҳисобланади. Юқорида айтиб ўтилганидек, ушбу бирликларнинг мақоми турли хил хусусиятларга эга ва шунга мос равишда турли хил норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан белгиланади.

Бугунги кундаги ислохотлар натижасида янада такомиллашиб бораётган ички ишлар органлари транспортда хавфсизликни таъминлаш бўлинмалари жамиятда тинчлик ва осойишталикни таъминлашга, жиноятчиликни жиловлашга ҳамда унинг оқибатларини камайтиришга хизмат қилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, тизимга кирувчи барча таркибий тузилмалар ва уларнинг ходимлари ички ишлар органлари зиммасига юклатилган асосий вазифалар ва фаолият йўналишларини қонун ҳужжатларида белгиланган ваколатлар доирасида ҳамда асосий принципларга риоя этган ҳолда юқорида кўрсатилган қонунлар ва қонун ости ҳужжатлари талабларига кўра амалга оширишлари зарур.

References:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги «Хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2833-сонли Қарори // <http://www.lex.uz>. (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 18.05.2024).
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги “Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини,

⁶. Степаненко Ю. В. Теоретические и прикладные проблемы деятельности органов внутренних дел на транспорте. Автореф. дисс канд. юрид. наук. — М.: 2004. — С. 8.



фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5005-сон Фармони// <https://lex.uz/ru/docs/3159827> (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 17.05.2024)

3. Тартиб-интизом ва масъулиятни кучайтириш, жиноятчиликнинг олдини олиш муҳитини мустаҳкамлаш – ҳуқуқбузарлик профилактикаси самарадорлигининг асосий омилidir // Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2017 йил 15 ноябрь куни Ички ишлар органлари фаолияти, тизимда мавжуд муаммо ва камчиликлар, истиқболдаги вазифаларга бағишланган видеоселектор йиғилишидаги нутқи. // www.uz.uz. (электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 17.05.2024).

4. “Транспорт ва туризм объектларида жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг самарали тизимини жорий этишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори, 06.03.2019 йилдаги пқ-4229-сон

5. Ўзбекистон Республикасининг 1999йил 15 апрелдаги «Темир йўл транспорти тўғрисида»ги Қонуни ЎРҚ-766-сон

6. Степаненко Ю. В. Теоретические и прикладные проблемы деятельности органов внутренних дел на транспорте. Автореф. дисс канд. юрид. наук. — М.: 2004. — С. 8.